

Нопок юртнинг набототи фақат қийинчилик билан чиқади



13:42 / 08 сентябрь 1302

Европа маданиятининг пойдеворига дарз кетиб бўлган, деворлари тебраниб қолган, кундан-кунга юксалиб боргани сайин унинг оғишиши ва парокандалиги ошиб борар, данаги бузилгани учун ҳам дарахти яхши бўлмаганидан сўнг ҳосил бермаётган эди: «Пок юртнинг набототи Роббининг изни ила чиқадир. Нопок бўлгани эса, фақат қийинчилик ила чиқадир».

Аслини олганда европа динни, ахлоқни инкор қилмай ҳам илм-фанни ривожлантириши мумкин эди. Бунга уларга бу борада ўрناк бўлган мусулмонларни яна мисол қилмоқчи эмасмиз. Мисолни бу сафар бошқа томондан келтирмоқчимиз.

Аввал ҳам айтиб ўтилганидек, тажрибий ва табиий илмларни ривожлантириш ҳамда уларни инсон фойдаси учун хизмат қилдириш учун табиатдаги қонунларни яхшилаб ўрганиш керак. Бунинг учун диндорлик ва динсизлик шарт эмас. Европаликларда турли сабаб ва шароитларга биноан бу илм ва фанларни ўрганиш ва ривожлантириш учун албатта, диндан воз кечиш ва кофирликни лозим тутиш керак деган тасаввур пайдо бўлган ва ўрнашиб қолган. Бу эса мутлақо нотўғри тасаввурдир.

Бунинг далилини Япония мисолида кўришимиз мумкин. Ўн тўққизинчи мелодий асрнинг иккинчи ярми ва ўтган асрнинг бошида бу давлат қолақ

давлатлар қоторида эди. Аммо европаликлардан тамаддун тараққиётини олишга қарор қилдилар ва тезда илм-фан ва технология соҳасида европанинг ўзидан ҳам ўзиб кетдилар. Шу билан бирга ўзининг дину диёнатини ҳам, урф-одатини ҳам, ахлоқ-одобини ҳам тарк этмадилар.

Японларнинг илм-фандаги тараққиёти европаникига нисбатан жуда ҳам қисқа муддатда юз берди. Уларнинг бундай мувафақиятининг сирини европадан илм-фанни ривожлантириш услубини олдилар ва илм-фаннинг тайёр маҳсулотини олмадилар. Илм-фанни ривожлантириб ўзимиз унинг ёрдамида маҳсулот ишлаб чиқарамиз, дедилар. Шунинг учун японлар тезда илм-фанни ўзлаштириб олдилар ва бу борада европадан ҳам ўзиб кетдилар.

Мутахассиларнинг таъкидлашларича 1860 йиллар атрофида Япония ва мусулмон оламининг, хусусан, бу оламнинг пешқадамларидан бири бўлган Мисрнинг илм-фан, иқтисод, маданият каби ҳаётнинг турли соҳаларида савиялари бир хил эди. Улар ўз тараққиётлари мақсадида икки хил йўл тутдилар. Япония европадан илм-фанни ўрганиб, маҳсулотларни ўзи тайёрлашни режалаштирди. Миср эса, европадан тайёр маҳсулотни олишни режалаштирди. Япония илм-фанни ўрганиб, маҳсулотни ишлаб чиқарди ва бу икки соҳада ҳам европадан ўзиб кетди. Миср илм-фанда ҳеч нарсага эришгани йўқ ва ҳали ҳануз европадан тайёр маҳсулотларни қиммат баҳода сотиб олишда давом этмоқда.

Бу ерда яна бир муҳим омил бор. У ҳам бўлса, Япония европанинг мустамлакаси бўлмаган. Миср ўтмишда эса европанинг ҳарбий, маданий, маърифий, иқтисодий, сиёсий мустамлакаси бўлган. Ҳозирда эса, мазкур мустамлакаларнинг биттасидан – ҳарбий мустамлакадан қутилган, холос.

«Олам ва одам, дин ва илм» китоби асосида тайёрланди

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 30 ноябрь 03-07/9089-сонли хулосаси асосида тайёрланди.